

## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16426 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 67,9 фоизи (2016 йил январь-мартда 67,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1249,8 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 84,3 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 1013,9 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 235,9 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1335,0 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 60,4 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 110,9 фоизни ташкил қилди;

- 404,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) бўлиб, ўсиш суръати 106,7 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 94,1 фоизи) ташкил қилди.

- 391,2 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 66,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 113,2 фоизга ўсди;

- 226,7 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,4 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-мартга нисбатан 60,6 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 108,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 96,6 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 108,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 89,7 фоизи) таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,9 фоизи ёки 1703,3 млрд. сўми (ўсиш 115,9 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 71,5 фоизи ёки 1017,1 млрд. сўми (ўсиш 110,3 фоиз) шакллантирилди;

- 45,4 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 85,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди ҳамда 100,9 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 62,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	404,0	94,1
Саноат	1335,0	46,1
Қурилиш	226,7	95,4
Чакана савдо	1703,3	99,9
Юк ташиш, млн тн.	8,2	64,3
Йўловчи ташиш, млн.киши	103,0	91,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	45,4	8,1
Импорт, млн. АҚШ долл.	100,9	13,7

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

